

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

“ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИ ИШЛАТИШ  
ВА ТАЪМИРЛАШ ” кафедраси

Бакалаврларни битирув малакавий ишни  
бажарилиши бўйича

# Услубий қўлланма



Фарғона - 2005



Ушбу услубий қўлланма 5140900 «Касб таълими» (Енгил саноат маҳсулотлари технологияси) йўналиши талабалари учун мўлжалланган.

Тузувчи:

доц. Эргашев Ю.  
асс. Улуғбобоева М.М.

Тақризчи:

Қурилиш саноат коллежи

ишлаб чиқариш бўлим

бошлиғи

Мадаминов Ғ.

Услубий қўлланма "ТВИТ" кафедрасида қайта ишланиб, йиғилишда муҳокама қилинди институтнинг 2005 йил 26 августдаги 1-сонли илмий - услубий кенгашида тасдиқланиб, ўқув жараёнида қўллашга тавсия қилинди.

## **Битирув малака ишини бажаришнинг мақсад ва вазифалари.**

Битирув малака иши олий ўқув юрти бакалавриатида талабаларни ўқитишнинг якуний босқичидир.

Битирув малака ишини бажариш мақсади:

-олинган назарий ва амалий билимларини мустаҳкамлаш ва кенгайтириш, олинган билимларини муайян илмий, техникавий, ишлаб чиқариш, иқтисодий ижтимоий ва маданий вазифаларни хал этишда қўлланилади.

### **Битирув малака ишини вазифалари:**

- ижтимоий ишлаш, ишлаб чиқарилаётган масаланинг (муаммонинг) қўйилиш жараёнидан бошлаб, уни тўла ниҳоясига етказиш бўйича қарор қабул қилишда бўлган масъулиятни ҳис этишга ўргатиш;

- замонавий ишлаб чиқариш, иқтисодиёт, техника ва маданиятнинг ривожланиши шароитида талабаларни мустақил ишлашга тайёрликлигини таъминлаш.

### **Битирув малака ишининг мавзуси.**

Битирув малака иши муаммонинг замонавий ҳолатини ва иқтисодини, ишлаб чиқариш, техника, ижтимоий соҳалар, фан, таълим ва маданиятнинг истиқболий ривожланиши, педагогика ва хусусий методика, ёш авлодни комил инсон руҳида тарбиялаш ва уларни шахсий камол топтириш, ҳамда касбий ривожлантиришнинг истиқболини акс эттириши керак.

### **Битирув малака ишини бўлимлари.**

Битирув малака ишининг ҳар бир бўлими мувофиқ асослар, қарорлар ва хулосалар билан ёритилади.

Битирув малака иши қуйидаги бўлимлардан иборат:

1. Кириш.
2. Асосий қисм.
3. Хулоса қисми.
4. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.
5. Иловалар.(Интернет маълумотлари).

## ***1. Кириш қисми.***

Кириш қисмида Олий Мажлиснинг биринчи чақириқ IX сессиясида қабул қилинган кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг амалга оширилиши учун қўйилган асосий масалалар қисқача ёритилади.

Шунингдек кириш қисми 6 банддан иборат бўлиб, унда мавзунинг долзарблиги ва унинг аҳамияти, битирув малака ишининг мақсади ва вазифалари, танланган объектлар ва тадқиқотлар усуллари, битирув малака ишидаги илмий янгиликлар ва эришилган натижалар, битирув малака ишининг амалий аҳамияти, тузилиши ҳақидаги умумий маълумотлар ёритилади.

## ***2. Асосий қисм.***

Асосий қисм учта бобдан иборат бўлади.

1. боб. Назарий бўлим.

2. боб. Экспериментал бўлим.

3. боб. Ишдаги илмий янгиликлар ва эришилган натижалар.

### ***2.1. Назарий бўлим.***

Битирув малака ишининг назарий бўлимида мавзуга оид адабиётлар таҳлили, ўқув-илмий ва илмий-тадқиқот ишларини, буюм учун қўйиладиган талаблар, буюм матолари учун қўйиладиган талаблар, техник тавсия, мода йўналиши, мавзуга тегишли бўлган фан ўқув дастури, ишчи ўқув режаси каби мавзунинг умумназарий муаммолари назарий жиҳатдан таҳлил қилинади ва уни ўқувчиларга ўргатиш масаласи ёритилади.

#### ***2.1.1 Техник тавсия.***

Бу бандда ҳозирги замон мода йўналиши, техник таклифлар ишлаб чиқилади: техник таклифлар бир хилдаги ёки ўхшаш вазифаларни бажарадиган модель-аналоглар таҳлиliga асосланиб янги кийим ечимининг мумкин бўлган вариантларини ўз ичига олади.

#### ***2.1.2. Мода йўналиши.***

Ушбу бандда лойиҳаланаётган буюм ассортименти учун замонавий ва истиқболдаги мода йўналишлари келтирилади. Бунинг учун даврий адабиётлардан, газета ва журналлардан фойдаланиш мумкин. Адабиётлардан мода йўналиши бўйича: кийимни шакли, материали, буюмни конструктив ечими, безаш усуллари, фурнитуралар таснифлари, ҳажмий хусусиятларининг ечими ва ҳоказоларни ўқувчиларга ўргатиш масалалари ёритилади.

### **2.1.3. Кийимга қўйиладиган талаблар.**

Ҳозирги бозор иқтисодиёти даврида тикувчилик саноати ишлаб чиқариши ривожланган сари кийимга қўйиладиган талаблар ошиб бораётганлиги шунингдек исьтемомлчи ва ишлаб чиқарувчилар талабларини ўқувчиларга ўргатишга асосланади.

### **2.1.4. Кийим материалига қўйиладиган талаблар.**

Моделни яратишда матони танлаш катта аҳамиятга эга. Материаллар қўйидаги хосса ва хусусиятларга эга бўлиши керак: гигиеник, механик, эстетик, технологик ва иқтисодий хоссаларга эга. Юқоридаги хоссаларни чуқур билган ҳолда ишлаб чиқарувчилар юқори сифатли ва исьтемомлчи талабларига жавоб бериш мумкин бўлган маҳсулот тайёрлашлари мумкин.

Шунга асосан кийим учун материал танлашни, материал хоссаларини яхши ўзлаштиришни ўқувчиларга ўргатиш масалалари асослаб берилади.

## **2.2. Экспериментал бўлим.**

### **2.2.1. Модель тавсияларини ишлаб чиқариш ва уни анализ қилиш. Асосий моделни танлашни ўқувчиларга ўргатиш.**

Бу босқичда асос моделини танлаб олиш учун лойиҳаланаётган буюмни бир нечта хиллари таҳлил қилинади. Шундан сўнг исьтемомлчи талабларини ўрганган ҳолда талаба маслаҳатчи ўқитувчи билан келишиб асосий моделни танлайди. Сўнгра асосий моделнинг тавсифини ўқувчиларга ўргатиш масаласи қўйилади.

### **2.2.2. Техник лойиҳа.**

Бу банд ўз ичига: кийимнинг конструкциялаш усуллари ва уни асослаш, чизмалар қуриш учун дастлабки маълумотлар, гавданинг ўлчам характеристикалари, қўшимчалар ва конструкциянинг асосий чизмасини ўз ичига олади.

### **2.2.3. Бу бандда танланган буюмни конструкциялашдаги усуллар, уни конструкцияси тўла таърифланади ва асосланади.**

Конструкциялашда кийимни ташқи кўринишини, барча ташқи ва ички оралиқ деталларини, ҳамда уларни бирлаштириш усуллари тавсифлаш керак. Ишнинг бу бўлимида буюм чокларини конструкциясини кўрсатувчи кўндаланг кесим чизмалари ҳам бўлади.

### **2.2.4. Гавданинг ўлчаш характеристикаси.**

Кийим конструкциясини қуриш учун гавда ҳақида тўла ва ҳар томонлама маълумотга эга бўлиши керак. Одам гавдасининг шакли ва размер белгилари ҳақидаги маълумотлар антропометрик текширишлар асосида

олинади. Одам гавдасининг ўлчов характеристикасини ифодаловчи алоҳида ўлчовлар гавданинг ўлчов белгилари дейилади. Бу бандда одам гавдасидан ўлчов характеристикасини ифодаловчи белгиларни ўқувчиларга ўргатиш масалалари ечилади.

### **2.2.5. Қўшимчалар.**

Конструкцияни алоҳида участкалари бўйича, гавдада бемалол туриши учун бериладиган қўшимчалар моделга, силуэтга, танланган матога, мода йўналишига ва бошқа бир қатор факторларга қараб ўзгаради. Амалиётда энг кўп ишлатиладиган қўшимчалар қийматларини ўқувчиларга ўргатиш масаласи қўйилади.

### **2.2.6. Конструкциянинг асосий чизмасини қуриш.**

Кийимни конструкциялаш уни лойиҳалашдан энг муҳим қисми ва мураккаб ижодий иш бўлиб, бадий конструкторлик ҳамда техник вазифаларнинг ечимини қамраб олади. Конструкция чизмасини қуришнинг иккинчи босқичи асос чизмасини чизиш. Асос чизмаси деб- база тўрига айтилади. База тўри кийимдан асосий параметрларини, ўлчамларини билдирадиган, ифодаловчи, ўзаро кесишувчи горизонтал ва вертикал чизиқлардан иборат чизмага айтилади.

База тўри: кийимни узунлигини, кенглигини, энг ўмизи кенглигини ўз ичига олади.

Чизманинг устки контур чизиқлари-асосий, чизманинг ўзи эса-асос чизмаси деб айтилади.

Асос чизмаси ўз ичига: олд ва орқа бўлақларни ён қирқим чизиқлари, виточкалар ва этак чизиқлари, орқа бўлақ ўрта чизигини ўз ичига олади.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда конструкциянинг асосий чизмасини қуришни ўқувчиларга ўргатиш масаласи қўйилади.

## **5. Кийимни тикиш технологияси. Ишлов бериш усулларини танлаш ва асослаш.**

Тикувчилик маҳсулотларини тайёрлашда технологик жараёнлар катта аҳамиятга эга. Тикувчилик жараёни ўз ичига: тикувчилик маҳсулотларини, деталларига ишлов бериш ва йиғиш бўйича технологик жараёнларни ўз ичига олади. Кийим бўлақларига ишлов бериш ва йиғиш учун DST 17-835 тикувчилик маҳсулотлари, қавиқлар, баҳя ва баҳяқаторларга қўйиладиган техник талабларга асосланиб чок кенгликлари белгиланади ва кенг ёритиб берилади.

Кийим деталларига ишлов бериш кетма-кетлигини тузиш жадвали.

1-жадвал.

| Т/Р | Жараёнлар номи | Иш характери | Жиҳоз типи | Ёрдамчи материаллар (иш, игна) |
|-----|----------------|--------------|------------|--------------------------------|
|     |                |              |            |                                |

Танланган жиҳозлар ҳақида қисқача маълумот берилади, жиҳозларни техник тавсифи жадвалда кўрсатилади.

### **6. Мавзу асосида ўқув-услубий комплекс яратиш.**

Битирув малака иши мавзусида маъруза матни, тажриба ва амалий машғулотлари учун услубий қўлланма тайёрлаш, рейтинг тизимини яратиш, тестлар тўпламини тузиш, назорат саволлари ва тарқатма материаллар тайёрлаш, мавзунини ўқувчиларга ўргатишда янги педагогик технологияларни қўллашнинг ва дарс ўтишда қўлланиладиган дидактик материаллар тайёрлаш масалалари ёритилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҶОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

«ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИ ИШЛАТИШ ВА ТАЪМИРЛАШ»

кафедраси

«ТИКУВ БУЮМЛАРИ ТЕХНОЛОГИЯСИ» фанидан «Икки игнали моки  
бахяли тикув машинасининг тузилишини ўрганиш» мавзусидаги

МАЪРУЗА МАТНИ

Фарғона-2005 йил

## А Н Н О Т А Ц И Я

«Тикув буюмлари технологияси» фанидан «Икки игнали моки бахяли тикув машинасининг тузилишини ўрганиш» мавзусидаги маърузалар матнида тикув машинасининг тузилиши ва ишлаш жараёни, машинанинг ишчи органлари, чизма-схемалари тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Тузувчи талаба:

Эгамов Ф.

Раҳбар:

асс. Улуғбобоева М.М.

Такризчилар: Ахмаджонов Х.М. «ТВИТ» кафедраси доценти  
Маматов В.Б. «Риштон» касб хунар коллежи  
махсус фан ўқитувчиси

Ушбу маъруза матни «ТВИТ» кафедрасининг 2005 йил \_\_\_\_\_  
«\_\_\_\_\_» сонли йиғилишида муҳокама қилинган ва фойдаланиш учун  
тавсия этилиб, чоп этишга рухсат берилди.

## Маъруза

### Мавзу: Икки игнали моки бахяли тикув машинасининг тузилишини ўрганиш.

Режа:

1. Икки игнали моки бахяли тикув машиналарининг вазифалари ва турлари.
2. Икки игнали тикув машиналарининг тузилишини ўрганиш.
3. Икки игнали моки бахяли тикув машинасига устки ип ва остки ипни тақиш.
4. Газламага мос ип ва игнани тақиш.

Адабиётлар:

1. Жабборова М.Ш. «Тикувчилик технологияси» Т. 1989
2. Жабборова М.Ш. «Тикувчилик технологияси» Т. 1994
3. Исаев В.В., В.Я.Франц. «Тикув машиналарининг тузилиши, уларни созлаш ва ремонт қилиш». Т. 1982

Назорат саволлари:

1. Икки игнали моки бахяли тикув машинасининг вазифалари нимадан иборат?
2. Икки игнали моки бахяли тикув машинасининг қандай турлари бор?
3. Икки игнали моки бахяли тикув машинасининг асосий ишчи органлари?
5. Икки игнали моки бахяли тикув машинасига устки ип қандай тақилади?
6. Икки игнали моки бахяли тикув машинасига остки ип қандай тақилади?

**Таянч сўз ва иборалар.** Игна, моки, бахя, ип, газлама, ип тақиш, игна ўрнатиш, ипни тақиш тартиби, тикув жараёни.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

«ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИ ИШЛАТИШ ВА ТАЪМИРЛАШ»

кафедраси

«ТИКУВ БУЮМЛАРИ ТЕХНОЛОГИЯСИ» фанидан «Икки игнали моки бахяли  
тикув машинасининг тузилишини ўрганиш»  
мавзусида амалий машғулотларни  
бажариш учун

# Услубий қўлланма

Фарғона - 2005 й.

Ушбу услубий қўлланма «Тикувчилик корхоналари жиҳозлари» фани иш дастурига мувофиқ тайёрланди.

Тузувчи талаба: Ташланов Д.

Раҳбар: кат.ўқ. Шокиров Х.Т.

Тақризчилар: Ахмаджонов Х.М. «ТВИТ» кафедраси доценти  
Маматов В.Б. «Риштон» касб хунар коллежи  
махсус фан ўқитувчиси

Ушбу услубий қўлланма «ТВИТ» кафедрасининг 2005 йил \_\_\_\_\_«\_\_\_\_\_»  
сонли йиғилишида муҳокама қилинган ва фойдаланиш учун тавсия этилиб,  
чоп этишга рухсат берилди.

## **«Тикувчилик корхоналарининг жихозлари» фанидан намунавий амалий машғулот.**

**Амалий машғулот.** Икки игнали моки бахяли тикув машинаси тузилишини ўрганиш, устки ва остки ипларни тақиш ва тикув жараёнини бажариш.

### **1. Амалий машғулот вазифалари.**

1. Икки игнали тикув машиналарининг тузилишини ўрганиш.
2. Икки игнали моки бахяли тикув машинасига устки ипни тақиш.
3. Машинага остки ипни тақиш.
4. Газламага мос ип ва игнани танлаш.
5. Тикув машинасига игнани ўрнатиш ва мокига нисбатан созлашишларини бажариш.
6. Икки игнали моки бахяли тикув машинасида тикув жараёнини бажариш.

### **2. Ўқувчининг ўқиш натижалари.**

Машғулотнинг охирига келиб, ўқувчи бажариш бўйича қуйидаги билим ва кўникмаларга эга бўлади:

1. Икки игнали моки бахяли тикув машиналарида бажариладиган жараёнларни таърифлаб бера олади.
2. Икки игнали моки бахяли тикув машиналарини бир-биридан фарқлай билади.
3. Машинага устки ипни тақа олади.
4. Машинага остки ипни тақа олади.
5. Газламага мос игна ва ип танлай олади.
6. Тикув машинасига игналарни тўғри ўрната олади ва мокига нисбатан созлаш ишларини бажара олади.
7. Икки игнали тикув машиналарида устки ва остки ип тўғри тақилганлигини текшира билади.
8. Тикув машинасида тикиш жараёнини бажаради.
9. Тикув машинасини ишлатиб, иш жараёнида хавфсизлик техникасига риоя қилади.

### **3. Амалиёт ўқитувчиси томонидан ўқувчиларга бериладиган умумий маълумотлар.**


1. Икки игнали моки бахяли тикув машиналарининг вазифалари ва турлари ҳақида қуйидаги маълумотлар:

1). Икки игнали тикув машиналари асосан «Pfaff», «Dyrkopp», «Juki», «Orsha» фирмаларида ишлаб чиқарилади. Бу машиналар турли қалинликдаги куйлаклар ва костюмбоп материаллардан тикиладиган буюм деталларини иккита параллел моки бахяқаторини юритиб тикишга мўлжалланган. Икки игнали тикув машиналарида турли мосламаларни

қўллаб тикиш имконияти яратилган. Игналар оралиғи 0 дан 12мм гача бўлиши мумкин.

2). Икки игнали тикув машиналари игналар, ипторткич, мокилар, газламини суриш механизмлари ҳамда тикиш жараёнини бошқариш, ўзгартириш ва сифатини назорат қилишга мўлжалланган автоматик бошқарув тизимларидан тузилган. Барча фирмаларнинг икки игнали тикув машиналари механизмларининг тузилиши, ишлаш асослари деярли ўхшаш. Уларнинг бир-биридан фарқини техник ва технологик кўрсаткичларига қараб аниқлаш мумкин.

3). Устки ва остки ипларни тақиш тартибини 1-расм, а да келтирилган тикув машинаси мисолида кўриб чиқамиз. Иплар



йўналтиргичлар 11 ва 12 дан ўтказилиб, юқоридан пастга бурчаклик 13 тешикларидан олиб ўтилади. Сўнгра иплар таранглаш қурилмаси шайбалари орасидан олиб ўтилиб, таранглагич 15 нинг ариқчасига киритилади ва ипторткич пружинаси 16 дан ўтказилади. Ип ипйўналтиргич пластинаси остидан, кейин ипторткич 10 кўзидан, ипйўналтиргичлар 8 ва 9 дан олиб ўтилиб, игнаюрткич 7 дан ўтказилади ҳамда игналар 5 ва 6 кўзига тақилади. Ипга тўлдирилган найча 1 (1-расм, б) пластина 2 ни кўтариб, найча ушлагич 3

га ўрнатилади. Остки ип тишли рейка тешигидан чиқарилгандан кейин ип пластинасимон пружина 4 ёрдамида тарангланади.

#### 4. Қўлланиладиган жиҳоз ва асбоблар.

- I. Икки игнали моки бахяли тикув машиналаридан бири.
- II. Турли рангдаги ип ғалтаклар.
- III. Газлама.
- IV. Газлама қалинлигига мос игна.
- V. Пинсет ва созлаш асбоблари.

#### **4. Ўқитиш юзасидан таклифлар.**

1. 3-бўлимга оид асосий маълумотларни ўқувчилар билан ўртоқлашинг, бу жараёни ўқувчиларнинг билимни ўзлаштиришлари учун кўмак сифатида маъруза ва муҳокамалар кўринишида, шунингдек, икки игнали тикув машинасидан ва схемалардан фойдаланган ҳолда олиб боринг.
2. Ўқувчиларга тикув машинасини ишга тушириш тартибини тушунтиринг.
3. Ўқувчиларга устки ва остки ип қай тартибда тақилишини тикув машинасининг ўзида кўрсатинг.
4. Ўқувчилар ўқитувчи кўрсатган ишни такрорлашлари, яъни машинага остки ва устки ипни тақиб кўрсатишлари керак.
5. Ўқувчилар бу жараёни тўғри бажаришлари лозим.
6. Ўқувчиларга икки игнали тикув машинасида тикиш жараёнини намойиш этинг.
7. Ўқувчилар машинада тикиш жараёнини бажара олишлари керак.

#### **5. Ўқувчиларнинг назарий ва амалий билимларини баҳолаш учун йўл-йўриқлар.**

##### **Текшириш учун саволлар.**

1. Икки игнали моки бахяли тикув машиналарини ишлаб чиқарадиган қайси машинасозлик корхоналарини биласиз?
2. Икки игнали моки бахяли тикув машиналари қайси асосий механизмлардан иборат?
3. Икки игнали тикув машиналарида чап ва ўнг игналар қандай ўрнатилади?
4. Газламага мос игна ва иплар қай тарзда танланади?
5. Устки иплар таранглиги қандай соланади?
6. Икки игнали тикув машиналарини ишлатишда қайси ҳавфсизлик техникаси қоидаларига риоя қилинади?
7. Юқорида келтирилган ҳар бир саволга жавоб ўқитувчи томонидан баҳоланади.

#### **7. Амалий ишлар.**

Ўқувчиларни икки игнали тикув машинаси билан таъминланг.

Ўқувчиларни кўпи билан тўрт гуруҳга ажратинг. қуйида келтирилган топшириқларни ҳар бир гуруҳга алоҳида тақсимланг:

1. Машинага остки ипни тақиб.
2. Машинага устки ипни тақиб.
3. Машинани ишга тайёрлаш.
4. Газламага мос ип ва игна танлаш ва мои бахяси ҳосил бўлиш жараёнини кузатиш.
5. Машинада тикиш жараёнини бажариш ва бахя сифатини текшириш.

Ҳар бир топшириқнинг бажарилиши ўқитувчи томонидан баҳоланади.

Ҳар бир гуруҳни қуйидагиларга асосланган ҳолда баҳоланг.

-иш жараёнини текшириш;

- ишни тўғри бажариш;
- меҳнат хавфсизлигига риоя қилиш;
- машинага шикаст етказмасдан, ундан эҳтиёткорлик билан фойдаланиш;
- топшириқни тўғри якунига етказиш.

### ***Топшириқ.***

қуйидаги расмда келтирилган икки игнали тикув машинаси игна ва ипторткич механизмларининг вазифаларини ва рақамланган қисмларининг номларини ёзинг. (Механизмлар расми кўрсатилган топшириқ ўқитувчи томонидан ўқувчиларга тарқатилади.)

1. Игна механизмининг вазифаси:


---



---



---



қисмларининг номи:

---



---



---

2. Ипторткич механизмининг вазифаси:

---



---



---

қисмларининг номи:

---



---



---

5.3. Назарий билим ва амалий кўникмаларни баҳолаш.

## *Хулқ ва билимни баҳолашнинг аҳамияти.*

Махсус фанлар ўқитишда ўқувчилар хулқи ва билимини баҳолаш муҳим аҳамиятга эга. Хулқни баҳолаш ўқувчининг шахсий хусусиятларни баҳолаш демакдир. Бу хусусиятлар кузатилган хулқдан келиб чиқса-да, лекин ўлчаш мумкин бўлган натижа қамровига кирмайди. Мисол учун, ўқувчининг ишлаш тарзини баҳолаш, унинг берилган топшириқни мунтазам ёхуд номунтазам, самарали ёки самарасиз равишда бажараётганлиги ҳақида тегишли хулосалар чиқариш мумкин.

Билимни баҳолаш деганда, эришилган натижани қамраб олиш ва ўлчаш, шунингдек, уни натижа кўлами билан таққослаш тушунилади.

Хулқ ва билимни баҳолаш қуйидаги хусусиятларга эга:

- таълим мақсадларига йўналтирилганлик;
- мунтазам ўтказиб туриш;
- ҳуқуқий, педагогик ва психологик тамойилларга асосланганлик;
- ҳамма қабул қилган баҳолаш андазаларига асосланганлиги;

Натижаларни баҳолаш орқали бир пайтнинг ўзида бутун таълим тизими ва унинг барча таркибий қисмлари текшириб кўрилиши мумкин.

Бу билан таълим тизими кутилаётган натижани бераётганлиги ёки бермаётганлиги текширилиб, ўлчаб кўрилади. Билимларни мунтазам баҳолаб бориш таълим режасини, унинг катта ва кичик бўлимларини қамраб олади. Узоқроқ вақт давомида амалда бўлган таълим тизими натижа андазаси орқали ифодаланиши мумкин.

Бунда нафақат ўқитувчиларнинг, балки амалиёт ўқитувчиларининг ҳам кучли ва кучсиз томонлари, шунингдек, ўқув жараёнидаги камчиликлар кўрсатиб берилади. Таълим воситалари, режалари, ташкилий ишлар ва шу кабиларнинг сифатига ҳам баҳо бериш мумкин. Натижа қисмларини мунтазам баҳолаб бориш аниқ ва адолатли хулосаларга олиб келади. Баҳолашда мазкур хулосаларнинг умумлаштирилиши баҳолашнинг аниқ бўлишига ёрдам беради. Ўқитувчини мунтазам равишда ўз натижалари тўғрисида хабардор қилиб туриш унинг мақсад сари интилиши ва истакларининг ошишига ижобий таъсир кўрсатади.

Хулқни баҳолашни ҳукм чиқариш қуроли сифатида тушунмаслик керак. Шу сабабли ўқувчи баҳолаш жараёнига ҳамкор сифатида жалб этилиши лозим. Бу орқали ўқувчи ўз шахсий хусусиятлари хусусида баъзи маълумотларни олиб бориш имкониятига эга бўлади, масалан:

- унинг топшириқларни бажаришга бўлган имкониятлари;
- асабларининг бардошлилиги;
- унинг иродаси, ҳадиги ва умид-ишонч (оптимистик) руҳи.

Ўқитиш давомидаги назорат, натижаларни ўлчаб бориш, хулқи ва билимларини баҳолаш ўқувчининг ўзлигини англаши учун яна бир имкониятдир.

Хулқ ва билимларни баҳолаш учун кўрсатмалар:

1. Хулқи ва билимларини баҳолашдан олдин ўқувчи талаб ва мезонлар ҳақида хабардор қилиниши керак.

2. Хулқи ва билимини баҳолаб бўлгандан сўнг ўқувчига унинг натижалари иложи борича узоқ вақт чўзмасдан билдирилиши керак.
3. Ўқувчи олган ёмон баҳолар (натижалар) сабаблари баҳолаш суҳбати орқали муҳокама этилиши керак.

Бунда амалиёт ўқитувчисининг хатти-ҳаракатлари ҳам ушбу ёмон натижаларга сабаб бўлиши мумкинлигини инобатга олиш лозим.

4. Ёмон натижаларга биргаликда яхшилаш борасида кўриладиган чоратadbирлар ҳақида маслаҳатлашиб олиш керак.
5. Ўқувчига хулқи ва билимларини баҳолаш ҳужжатларини кўриш ва ўз муносабатини билдириш ҳуқуқи берилиши керак.

### **Топшириқ ва тестларнинг сифат белгилари.**

Топшириқлар натижаларни ўлчаш ва баҳолаш мақсадиди онгли равишда қўйилган талаблардир. Тестлар билим, қобилият, кўникма, шунингдек, феъл-атвор ва муносабатни текшириш жараёни ва воситасидир.

Тестлар қуйидаги йўналишларда тузилиши мумкин:

- натижа андазаларини аниқлаш учун натижа тестлари;
- интеллект ва бошқа қобилиятларни аниқлаш учун қобилият тестлари;

- ўқувчининг маълум бир касбга лаёқатли эканлигини аниқлаш

тестлари;

- ўқувчининг мотив, ижтимоий қадриятлари ва қарашларини аниқлаш тестлари;

Бу билан бирга жорий, оралиқ ва якуний назоратлар тестлари ҳам фарқ қилинади.

Топшириқ ва тестларнинг муҳим мезонларига қуйидагилар киради.

1. **Ҳақиқийлик.** Текширилиши керак бўлган билим ёки қўшимча мазмунан қаратилган топшириқ ёки тест ҳақиқий ҳисобланади. У баҳоланиши лозим бўлган билим ва кўникмалар соҳасидаги натижаларга қаратилган бўлиши лозим. Бунда ўрганиш мақсадига нисбатан мазмунан алоқадорликни яратиш назарда тутилади.
2. **Холислик (объективлик).** Бир-биридан мустақил ўқитувчилар бир хил ўқувчиларга берилган бир хил топшириқ ва тестлар бўйича ҳар хил баҳо берган тақдирдагина мазкур топшириқ ва тест холис ҳисобланади. Бу холислик ҳар хил вақтларда берилган баҳоларга ҳам тааллуқлидир. Ушбу мезонлар кўпинча «расмий тестлар» пайтида амалга оширилади, холос. Ўқитувчи томонидан тузилган тестлар эса одатда мазкур талабларни бажармайди.
3. **Ишонччилик.** Бунда топшириқ ёки тестнинг ўрганиш мақсадларини назорат қилишга сафарбар этилиши учун нақадар ишонччи эканлиги низарда тутилган.
4. **Диагностик баҳо.** Бунда ўқитувчи топшириқ ёки тестдан кейин юзага келган камчиликларни бартараф этиш учун қандай чоралар кўриш зарур эканлигини баҳолай олиш-олмаслиги назарда тутилган.

- 5. Балл бериш.** Топшириқ ёки тестлар жавобига балл бериладиган бўлса, балл бериш ўрганиш мақсадларини назорат қилишга мослаштирилган бўлиши лозим. Бунда мавзунинг муҳимроқ бўлган қисмларига унчалик муҳим бўлмаган қисмларига нисбатан кўпроқ балл бериш мақсадга мувофиқ саналади.

### *Ёзма топшириқ шакллари.*

Ёзма топшириқлар эркин жавоб берилиши лозим бўлган ва бир қанча жавоблардан бирини танлаш керак бўлган топшириқларга бўлинади.

Эркин жавоб берилиши лозим бўлган топшириқларга қуйидагилар кириши мумкин:

1. Атрофлича тўлиқ эркин жавоб беришни талаб этадиган топшириқлар (масалан ёзма, иш).
2. қисқа эркин жавоб беришни талаб этадиган топшириқлар (жавоб бериш учун очиқ жой қолдирилган топшириқлар, шунингдек, жавоб катаклари берилган топшириқлар).

Берилган жавоблардан бирини танлаш керак бўлган топшириқлар қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

1. Кўплаб вариантлардан бирини танлаш бўйича топшириқлар (дастурлаштирилган топшириқлар, тест).
2. Муқобил жавоблардан бирини танлашни талаб этувчи топшириқлар.
3. Тартибини ўзгартириш талаб этиладиган топшириқлар (тўлдириш топшириқлари, тегишлиликни аниқлаш топшириқлари, тўғри кетма-кетликка келтириш топшириқлари, даражасига кўра жойлаштиришни талаб этувчи топшириқ).

Эркин жавоб бериш лозим бўлган топшириқлар тузишни «Бичиш усуллари» мавзуси мисолида кўриб чиқамиз.

1. Эркин жавоб бериш лозим бўлган ёзма топшириқлар натижаларни аниқлашнинг анъанавий шаклини ифода этади.

Топшириқ: Тикувчилик саноатида бичишнинг қандай усуллари кенг қўлланилади? Улар тўғрисида тушунчалар беринг.

Ушбу саволга жавоб бериш жараёнида ўқувчилардан мустақил ишлаш талаб этилади. Натижа ўқувчининг бичиш усуллари тўғрисида олган билимларига, қарашларига, ёзиш ва ифода этиш қобилиятига боғлиқ бўлади. Бу ерда вақт муҳим шарт ҳисобланади.

2. Бўш жойларни тўлдириш топшириқлари (бўш жойлар қолдирилган матнлар).

Бундай топшириқнинг ечими (ижроси) тўлиқ бўлмаган матнларга киритиладиган тушунчалар, гап бўлаклари, символлар ва сонлардан ташкил топади. Агар ечим тушунчалари киритилган рўйхат ҳам тузилган бўлса, у ҳолда яхши холисликка эришиш мумкин.

Топшириқ: 1-схемада келтирилган бичиш усулининг тузилиши ва қирқиш жараёни берилган матнни тўлдириш?

Электр учкунни билан бичиш усулида газлама-----устига----- чизик 2 ўтказилиб, унга-----3 уланади. ----- чизикнинг нариги учига яна-----ток берилса----- бутун бир график чизик бўйлаб қирқилади.

Матн схемадан фойдаланиб тўлдирилади. Демак, ўқувчи топшириқни схемага қараб мустақил бажаради.

### **3. Берилган жавоблардан бирини танлашни талаб этувчи топшириқлар (тестлар) тузиш.**

Кўпинча бундай топшириқлар «дастурлаштирилган топшириқлар» деб аталади. Бунда битта тўғри жавобдан чалғитадиган бир қанча нотўғри жавоблар киритилган бўлади. Бу билан ўқувчидан қарор қабул қилиш қобилиятини кўрсатиш кутилади.

Тест топшириғи: универсал асбоб билан бичиш усулига қайсилар киради?

- А) Дисксимон пичоқ, тасмасимон пичоқ ва қайчи билан бичиш;
- В) Чопқилар, матритса ва пуансон билан бичиш;
- С) Дисксимон пичоқ, пластина пичоқ, тасмасимон пичоқ ва қайчи билан бичиш;
- Д) Сирпантириб бичиш, пластина пичоқ, матритса ва пуансон билан бичиш.

4. Муқобил топшириқларда фақат битта тўғри ва битта нотўғри жавоблар берилган бўлади. Топшириқ шартига кўра тўғри жавобни топиб, белгилаш керак бўлади.

Топшириқ: Универсал бичиш усулининг асосий камчилиги нимада?

- А) Кийим деталлари аниқ бичилмай, балки кенгайтириброқ қирқилади ва кўп меҳнат талаб қилинади;
- В) Универсал бичиш усулига харажат кўп сарф бўлади ҳамда асбоблар узоқ вақт ишлашга мослашмаган.

### **5. Тўлдириш топшириқлари.**

Бундай топшириқларда жавоблар сифатида берилган фикрлар, тушунчалар, гап бўлаклари, символлар, сонлар махсус рақамлар воситасида ечим ўринларига киритилади.

Топшириқ: 2-схемада келтирилган бичиш машинаси қисмларининг номларини белгиланган рақамлар тартибида ёзинг.

### **Оғзаки топшириқлар шакллари.**

Бу ерда билимлар билан бирга ўқувчининг ўзини тутиши, харакати ва мулоқот қилиш қобилияти инобатга олинади. Уларга қуйидагилар киради:

- касбий ҳолатларни тақлид қилиш;

- ечим йўллари топиш билан боғлиқ муаммоли ҳолатларни муҳокама қилиш;

- ўқувчининг муаммоли ҳолатларга бўлган шахсий муносабати.

Психик омил (танглик, эркин эмаслик, кўрқув кабилар) катта аҳамият касб этиши туфайли кўпинча ҳақиқий натижалар бериш қобилияти кўринмай, юзага чиқмай қолиши мумкин. Ўқитувчи савол берганда ўқувчи яхши жавоб беради, деб кутмаслик керак. Шу сабабдан ўқитувчининг савол бериш тарзи муҳим аҳамиятга эга. У:

- саволни тушунарли ва аниқ бериши;

- жавоб бериш учун етарли вақт бериши;

- субъектив саволлар бермаслиги;

- ўқувчи саволларга жавоб беришда қийнала бошласа, саволлар қамровини мос равишда қисқартириши керак.

### **2.3. Ишдаги илмий янгиликлар ва эришилган натижалар.**

Малака ишининг таҳлили асосида эришилган натижалар, янгиликлар, ихтиролар, меъёрий кўрсаткичлар, илгари сурилаётган ғоя ва фикрлар илмий жиҳатдан асосланади ва исботланади.

### **3. Хулоса қисми**

Хулоса ва таклифлар қисмида талаба битирув малака иши бўйича чиқарилган хулосалар ва аниқ таклифлар, малака иш устида ишлаш даврида эришилган натижаларни мужассамлаштирилади.

### **4. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.**

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати қисмида малака ишини бажариш жараёнида фойдаланилган ва ўрганиб чиқилган адабиётлар, меъёрий хужжатлар, нашр қилинган илмий мақолалар рўйхати алфавит тартибида тuzилади, сўнгра хорижий адабиётлар рўйхати берилади.

### **4. Илова қисми.**

Илова қисмида эса малака иш матнида айрим қисмлар учун интернет маълумотлари келтирилади.

### **Илмий - текшириш йўналишидаги ихтисослик иши.**

Ушбу йўналишдаги иш илмий текшириш ишларига лаёқати бор, иқтидорли талабага берилади ва бу иш талабанинг аввал бажарган ишларини давоми бўлади.

Иш қуйидаги бўлимлардан иборат бўлиши мумкин:

1. Кириш. Текшириладиган объектни танлашни асослаш.
2. Мавзу бўйича адабиётлар таҳлили.
3. Тажрибани режалаштириш услуби.

4. Тажрибаларни ўтказиш, натижаларни таҳлил қилиш.
5. Ишларнинг иқтисоди самарадорлиги.
6. Хулоса ва таклифлар.
7. Адабиётлар руйхати.

### **Тушинтириш ёзувини ва чизма қисмини расмийлаштиришга қўйиладиган талаблар.**

Тушинтириш, ҳисоблаш ёзуви 60-70 бетдан иборат бўлади. Сиёҳда ёки шарикли ручкада 11- форматли қоғозни бир томонига аниқ қилиб, бир бетда 25-26 қатор қилиб ёзилади. Тикиш учун чап томондан 20мм. қолдирилади, ўнг томондан 10мм, юқори ва пастки томонлардан 20мм. дан жой қолдирилади. Ёзув сўнгида фойдаланилган адабиётлар рухати келтирилади ва битирув ишини муаллифини имзоси қўйилади. қўйидаги чизмалар бажарилади:

- моделларни эскизлари ва яратилган моделни эскизи (1 лист)
- моделнинг чизмаси ва деталларнинг чизмалари (2лист)
- кийим деталларига ишлов бериш (2лист)
- педагогика (1лист)

Барча чизмалар ДАСТ талаблари асосида бажарилади. Илмий текшириш йўналишидаги ишни бажаришда тушинтириш ёзуви, графиклар, диаграммалар, схемалар билан тўлдирилади. Чизма қисми 3-4 листдан иборат бўлади.

#### ***Асосий адабиётлар***

1. Жабборова М.Ш. «Тикувчилик технологияси». Т.; 1994
3. Кулижанова Г.К. Мусаев С.С. «Енгил саноат маҳсулотлари технологияси» Т.; 2002й.
4. К.М. Абдуллаева «Тикувчилик буюмларини лойихалаш ва моделлаштириш асослари» Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси нашриёт 2006
5. Н.С. Ғойипова, М.З.Исматуллаева, А.С. Ахметова, Х.З. Исматуллаева « Тикувчилик технологияси асослари» Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси адабиёт жамғармаси нашриёти Тошкент 2006
6. Комилова Х.Ҳ., Ҳамраева Н.К. «Тикув буюмларини конструкциялаш» Т.; 2003
7. Олимов Қ.Т. «Тикув машиналари» Т.; 2002

#### **Қўшимча адабиётлар**

8. Исаев В.В. Франц В.Я. «Тикув машиналарининг тузилиши, уларни созлаш ва ремонт қилиш». Т.; 1982
9. Исаев В.В. «Тикувчилик корхоналарини жиҳозлари». Т.; 1986
10. Меликова С.Х. «Лабораторнўй практикум по технологии швейнўх изделий»
11. Турсунов А.М. Жабборова М.Ш. «Тўқимачилик ва тикувчиликдан русча - ўзбекча атама луғат». Т.; 1993

